



Халқ сўзи

Ўзбекистон
КЕЛАЖАГИ
БҮЮК
ДАВЛАТ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2004 йил 23 ноябрь, № 242 (3517)

Сешанба

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Ислам Абдуганиевич,
Қадри оғам,
Қўнча Бухоро заминига таширф чоғида мен ва Туркменистон делегацияси аъзоларига кўрсатишган ишқ ва лутфан қабул учун Сизга ўзимнинг самимий миннатдорлигим ва ташаккуримни илҳор этаман.
Туркменистон билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда Сизнинг алоҳида ўрнини эътибор билан таъкидлаб ўтмоқчиман. Икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан таъминлаш янги поғонага кўтаришга қаратилган муштарак самимий иштирокимиз, учта муҳим ҳужжатнинг имзоланиши дўстлик, ишонч ва яхши кўнанишлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилди, айрим жўзўй тафовеуларни бартараф этишга имкон яратди. Бугунги кунда Туркменистон билан Ўзбекистон ўртасида бахли масалалар йўқ, биз қабул қилган қарорлар эса давлатларимиз ўртасидаги чегарани тинчлик ва дўстлик сарҳадида айлантиради.

Келажак авлодлар учун икки томонлама муносабатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий ва иқтисодий асосини барпо этади.
Қисқа, аммо ғоят мазмунли таширф чоғида биз Ўзбекистонда туркман маданияти ва санъати юксак қадрланганидан мамнуният билан ишонч ҳосил қилдик. Ўзбекистон санъат усталарининг туркман қўшиқларини моҳирона ижро этишлари бизга улкан завқ бағишлади. Бунинг яна бир ёрқин далили — Тошкент шаҳрида таъкид этилган Туркменистон халқ-амалий санъати кўргазмасидир.
Муҳтарам Ислам Абдуганиевич,
Ўзгал мамлакатиниёзга таширф чоғида бизга кўрсатган ишқ меҳмондўстлигининг учун яна бир бор самимий миннатдорлигимни қабул этгайсиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт, серқирра фаолиятиниёзда зафарлар, биродар ўзбек халқига эса тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт тилайман.
Самимий эҳтиром ила,

Сапармурод НИЁЗОВ
Туркменистон Президенти.

Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида дўстлик, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида ШАРТНОМА

Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон, бундан кейин Олий Аҳдлашувчи Томонлар деб аталувчилар,
икки мамлакат халқлари ўртасида тарихан шаклланиб келган дўстона муносабатлар, яхши кўнанишлик ва ўзаро ҳурматга асосланиб,
икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада чуқурлаштириш ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган иштирокини афдаллаб,
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принциплариغا содиқликларни тўғрисида баён этиб, халқаро ҳуқуқ ҳамда умум инсоний қадрларнинг умум эътироф этилган нормаларининг устуворлигини таъ олиб,
Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг концепциясига ва Туркменистоннинг бетараф давлат сифатида концептуал принциплари ҳамда ташқи сиёсати қондаларига асосланиб,
икки томонлама ҳамкорликка янги сифат бериш ва унинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадида эга бўлиб,
қуйидагилар тўғрисида ахдлашиб олдилар:

- 1-модда**
Олий Аҳдлашувчи Томонлар суверенитет, мустақиллик ва худудий ахтирликни ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, ўзаро ишонч ҳамда очкилик, тенглик ва бир-бирларининг манфаатларини инобатга олиш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик давлатлараро икки томонлама муносабатлар ривожланишининг йилгирма биринчи асрадаги асоси ҳисобланади деб ахдлашиб олдилар.
Шу маънода Олий Аҳдлашувчи Томонлар ўз муносабатларини дўстона давлатлар сифатида доимо ривожлантирадilar.
- 2-модда**
Олий Аҳдлашувчи Томонлар икки давлат ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш, ҳамжихатлик ва амалий мулоқотни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон халқлари манфаатларига хизмат қиладиган уларнинг ташқи сиёсатини устувор йўналишлардан бири сифатида кенг ўзаро ҳамжихатликни ривожлантиришга бўлган ўзармас содиқликларини тасдиқлайдилар.
- 3-модда**
Олий Аҳдлашувчи Томонлар Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасидаги чегара тинчлик, дўстлик, хавфсизлик, барқарорлик ва икки давлат ҳамда халқлар орасидаги ишончни мустаҳкамлаш чегараси эканлигини тасдиқлайдилар.
- 4-модда**
Олий Аҳдлашувчи Томонлар халқаро тинчлик, ҳуқуқий тартибот, минтақавий ва глобал микёсларда барқарорлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш ишида жамъиятнинг самимий ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Улар бу қўмакни зарур дипломатик восталар ва усуллардан фойдаланиш, шуниингдек халқаро ташкилотлар билан, биринчи навбатда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ақин ҳамкорлик востасида амалга оширадilar.
- 5-модда**
Олий Аҳдлашувчи Томонлар низоларни бартараф этиш ва тартибга солиш, хавфсизлик ҳамда барқарорлик, ишончни мустаҳкамлаш масалаларини ҳал этиш ишида БМТ ва унинг Хавфсизлик Кенгаши ролининг янада кучайтирилишига, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг ҳужжатларида қайд этилган мақсад ҳамда принципларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратадилар.
Шу муносабат билан Олий Аҳдлашувчи Томонлар БМТнинг гиёвандлик восталарининг ноқонуний юргизиши билан боғлиқ трансмилийл жиноятчиликка қарши кураш Марказий Осиё минтақавий ахборот Марказини Тошкент шаҳрида ва БМТнинг превентив дипломатияси буйича қароргоҳи Ашхобод шаҳрида жойлашган Марказини тузиш зарурлигини эътироф этадилар.
- 6-модда**
Олий Аҳдлашувчи Томонлар ўзаро манфаатли ва дўстона муносабатларни янада ривожлантириш ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ барча масалалар буйича икки давлат Раҳбарлари даражасидаги мутаазаам учрашувлар ва маслаҳатлашувларни олиб боришга келишиб олдилар.
Олий Аҳдлашувчи Томонлар икки давлат манфаатларига дахл қиладиган долзарб минтақавий масалалар буйича ҳам олий давлат даражасида зарур маслаҳатлашувларни олиб борадилар.
- 7-модда**
Олий Аҳдлашувчи Томонлар терроризм, жиноятчилик, контрабанда, гиёвандлик восталар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний юргизиши, давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш ҳамда бошқа ҳуқуқбузарликларга икки давлатнинг ҳуқуқ-тартибот, чегара, миграция ва бошқона органлари йўналишлари буйича ўзаро ҳамжихатликни чуқурлаштириш орқали уларга қарши курашда саъй-ҳара-

- катларини янада бирлаштириш тўғрисида ахдлашиб олдилар.
Шу мақсадларда Олий Аҳдлашувчи Томонлар икки давлатнинг чегарабуйи туманларида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ҳамда давлат чегарасини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор аниқ тадбирларни қўллашга келишиб олдилар.
- 8-модда**
Олий Аҳдлашувчи Томонлар икки томонлама муносабатларга янги сифатли ҳар томонлама шерикчилик ва ўзаро ҳамжихатлик даражасини бериш мақсадида сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар соҳалардаги, шунингдек, таълим ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни узоқ муддатли асосда кенгайтирадilar.
- 9-модда**
Олий Аҳдлашувчи Томонлар икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг мавжуд имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланиш зарур деб ҳисоблайдилар. Шу мақсадларда Олий Аҳдлашувчи Томонлар ўзаро манфаат асосида иқтисодий ҳамкорликнинг турли шаклларида фойдаланишга алоҳида эътиборни қўнайтириб, унинг амалга оширилиши учун зарур саъй-ҳаракатларини қаратадилар.
Олий Аҳдлашувчи Томонлар иқтисодий муносабатларнинг янги шакллари икки томонлама ҳамжихатлик таърибасига жорий қилишни рағбатлантирадilar. Улар товарлар ва хизматлар бозори, икки томонлама инвестициявий фаолиятнинг ишланиши кучайтирадilar.
- 10-модда**
Олий Аҳдлашувчи Томонлар иқтисодий шерикчиликнинг устувор йўналишларидан бири чегарабуйи савдо эканлигини эътироф этадилар.
Чегарабуйи савдонини ташкил қилишни таъминлаштириш ва икки давлат ҳудудида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот савдонини амалга оширишни ривожлантириш мақсадида Олий Аҳдлашувчи Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Хоразм ҳамда Бухоро вилоятлари, Туркменистоннинг Дашоуз ва Лебоб вилоятлари чегарабуйи пунктларида савдо марказларини очиб зарурлиги тўғрисида келишиб олдилар.
Савдо марказларини очиб ва уларнинг ишланиши билан боғлиқ аниқ масалалар икки давлат ҳуқуқатлари ўртасида тузиладиган алоҳида битимлар орқали белгиланади.

(Давоми 2-бетда).

26 декабрь

Халқ. Демократия. Сайловлар



Сайлов — маслаҳатлашмак, кенгашмак дегани ҳамдир. Нақли донишдан маълумки, кенгаши тўй таркамайди. Шу боис бу кунга ҳар биримиз ўз тадоригимизни кўрсак, тўй, яъни сайлов ишчилик бекаму кўст ўтказилишига улўшмишни кўнган бўламиз. Айни кунларда мамлакатимизнинг барча қишлоғу овулларида, маҳалла гузарларида, йиғинларда зурунг мавзу 26 декабрь кунин буладиган сайлов ҳақида бормоқда. Ушбу сиёсий тadbирни кенг фаолилик билан ўтказишда, шубҳасиз, участка сайлов комиссияларининг ҳиссаси катта бўлади. Чунки улар сайловга тайёргилик жараёнида қанча фаол ва ташаббускор экан, муҳим сиёсий тadbир шунча кўнган даражада бўлади. 88-ўқатка сайлов комиссияси Андисон давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицей бунёдига жойлашган. Учаска сайлов комиссияси бунинг чуқур аниқлаш ҳолида иш туттишмоқда. Айниқса, улар Олий Мажлисининг Қўнчиликл палатасига ҳамда маҳаллий Кенгашларга ўтказиладиган сайловнинг ўзига хос томонлари ҳусусида аҳоли орасида тушунтуриш тарғибот ишлари ҳам уюштиришмоқда.
СУРАТДА: (Ўртада) участка сайлов комиссияси раиси ўринбосари Лолаҳон Холмировава сайловчилар билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Демократик тамойилларга асосланган жамиятнинг сиёсий майдони айнан сайловолди жараёнида қизгин баҳс ва курашларга бой бўлади. Зотан, соғлом муҳитдаги бундай баҳслашувлар фақат жамият тараққиотига хизмат қилади. Эндилликда бемалол айтиш мумкинки, мамлакатимизда кечайтган айни сайлов кампанияси шундай ҳал қилув босқичига кирди.



Сайловнинг асосий субъектлари ҳисобланган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари Олий Мажлисининг Қўнчиликл палатаси депутатлигига номзодлар ҳужжатларини Марказий сайлов комиссиясига топширган эдилар. 20 ноябрь кунин Марказий сайлов комиссиясининг тақдим этилган ушбу ҳужжатларни кўриб чиқишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Уни мажур комиссия раиси Б. Мустафоев олиб борди.
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси депутатликка 120 номзод (119 номзод рўйхатга олинди), Ўзбекистон Халқ демократик партияси 120 номзод (118), Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси 89 номзод (89), Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси 62 номзод (61), Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси 76 номзод учун (74) ҳужжат тақдим этди.
Марказий сайлов комиссиясига рўйхатга олинган 150 дан ортқ сайловчилар ташаббускор гуруҳидан 86 ҳужжат келиб тушди. Қолганлари 8 фойз сайловчилар имзосини тўплай олмади.
22 та сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ҳужжат-

лари тегишли округ сайлов комиссиялари илтимосига биноан қайтарилди, 8 ташаббускор гуруҳ имзо ва рақаларида бири киши томонидан қўйилган бир неча имзолар аниқлангани боис, улар кўрсатган номзодларни рўйхатга олиш рад этилди. Ташаббускор гуруҳлар томонидан кўрсатилган депутатликка номзод сифатида 56 фуқаро рўйхатга олинди.

Марказий сайлов комиссиясига жами 531 номзод рўйхати (517 номзод рўйхатга олинди) тақдим этилди. Ўртача ҳисобда битта сайлов округига 4-5 номзод тўғри келади (1999 йили ҳам бу кўрсаткич 4-5 кишини ташкил қилган). 14 киши рўйхатдан ўтмади, бу эса 2,6 фойзни ташкил қилади (1999 йилда 9,2 фойз эди).

Шундай қилиб, Қўнчилик палатаси депутатлари сайловининг янги босқичи — сайловолди ташвиқот дaви бошланди. Шу боис, комиссия аъзолари сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш масаласи юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашишди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссияси ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.
Худойберди ЭШМАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бу — долзарб

АВВАЛ танишайлик,

Ўтган ҳафта бошларида маҳалла гузариди қўннилардан бири сўраб қолди:
— Сайлов-сайлов дейсизлар, нега депутатликка номзодлар билан учрашувлар ўтказилмапти?
— Ҳозир кўрсатилган номзодлар ҳужжатлари ўрганилпти, — деб изоҳ бердим суҳбатдошимга. — Бир неча кунда уларни Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олади. Шундан кейин сиз айтган учрашувлар бошланади.

сўнг овоз берамиз

Шундай саволнинг қўйилиши ҳалиям қонунларимизни аҳоли онгига тулиқ етказилганимизни кўрсатади. Мана, ниҳоят уша фурсат етиб келди. Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис Қўнчиликл палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олди. 20 сентябрда бошланган сайловолди кампанияси ҳал қилувчи — якуний маррага олиб

борувчи босқичга қадам қўйди. Энди номзодлар сайловчилар олдида ўз ақл-заковатини, бор салоҳиятини кўрсатишлари керак. Демак, депутатликка номзодлар учун ҳақиқий имтиҳон бошланмоқда. Имтиҳон олувчи эса ўз номидан олий ҳокимиятга ваколат берувчи минг-миңлаб фуқаролардир. Сайловгача бўлган бир ойлик муддат

мобайнида ҳар бир сайловчида номзодлар билан яқиндан танишиш, уларнинг умносиблик даражасини баҳолаш имконияти бўлади. Шу имкониятдан фойдаланиш учун сиз ва биздан фалорқ бўлиш талаб этилади. Депутатликка номзод билан кўп кишилик учрашувлар бўлади, бевосита мулоқот бўладими — ҳар қандай шаклдаги муносабатлар орқали номзоднинг давр талабига қанчалик мос келишини аниқлашга шaroит яратилади.

Тошкентда минтақавий низоларнинг олдини олишга, Марказий Осиё ва Афғонистонда барқарорликни янада мустаҳкамлашга бағишланган халқаро конференция бошланди.

МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия институти, Сиёсий тақдиротлар маркази ва Буюк Британия халқаро муносабатлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилган мажур анжуманда АҚШ, Европа ва МДХ мамлакатларидан экспертлар, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Минтақавий ақсилтерроп тузилмаси, НАТО, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқдалар.
Икки кун давом этадиган анжуманда Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш оид ҳамда халқаро террорчилик, гиёванд моддаларнинг ноқонуний савдоси, курол-ярог контрабандаси, уюшган жиноятчилик каби ду-

ро микёсадаги гайриқонуний нарқобизнеснинг таянч нуқта-си бўлиб қолаётир, — деди Буюк Британия халқаро муносабатлар институти вакили Жеймс Никсей. — Европада ноқонуний сотилаётган оғунинг қарийб 90 фойзи Афғонистон ҳудудида етиштирилган. Шундай экан, бундай муаммага барҳам беришининг ягона йўли барча мамлакатларнинг ҳамжихатлигида, бир ёқадан бош чиқариб курашишидadir.
Конференция иштирокчилари Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий низоларнинг олдини олиш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида Россия, АҚШ, Европа давлатлари билан ҳамкорликда амалга ошираётган дастур ва лойиҳаларини муҳокама этадилар.
Конференцияда Ўзбекистон Республикасининг Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хуснидинов сўзга чиқди.

Фазлидин АРЗИЕВ,
ЎЗА мухбири.

Мамбуот хизмати хабар қилади

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ходимларининг қозогистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда амалга оширган тергов-тезкор тадбирлари натижа-сида жорий йилнинг 30 июль кунин Тошкент шаҳрида террорчилик актларини содир этиб, уларнинг портлатган юборган жиноятчиларнинг шахслари аниқланди. Уларнинг шахслари одам ДНКС буйича ўтказилган суд-биологик экспертизаларининг хулосалари билан ҳам тасдиқланган.
Хусусан, ўз-ўзини портлатган жиноятчилар қуйидагилар:
1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси биносининг фойсесида — Шаънопов Авахан Исраилович, 1966 йилда Қозогистон Республикасининг Тараз шаҳрида туғилган ва шу жойда яшаб келган, Қозогистон Республикаси фуқароси;
2. Исроил давлатининг Тошкент шаҳридаги элчихонаси ёнида — Валиев Мавлон Қусанович, 1976 йилда Қозогистон Республикасининг Тараз шаҳрида туғилган ва шу жойда яшаб келган, Қозогистон Республикаси фуқароси;
3. АҚШнинг Тошкент шаҳридаги элчихонаси ёнида — Искаков Дулат Габлямович, 1972 йилда Қозогистон Республикасининг Семипалатинск шаҳрида туғилган, Атирау шаҳрида яшаган, Қозогистон Республикаси фуқароси.
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг маъбуот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида дўстлик, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида ШАРТНОМА

(Давоми. Боши 1-бетда)

11-модда
Олий Ахдлашувчи Томирлар фан ва таълим соҳасида ҳамкорлик қилдиладиган ҳамда ўқув ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамлашга қўмаклашадилар. Улар биргаликдаги илмий дастурлар, айниқса, илгор технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширадилар.

Олий Ахдлашувчи Томирлар мутахассислар, олимлар ва илмий-техник ходимларнинг алмашувини рағбатлантирадилар.

12-модда
Олий Ахдлашувчи Томирлар соғлиқни сақлаш, санитар-эпидемиологик ҳолатнинг юқори даражасини таъминлаш, дори препаратлари ва tibбий техника шўлаб чиқариш соҳасида ҳамкорликни ривожлантирадидилар.

13-модда
Олий Ахдлашувчи Томирлар экология, агроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш соҳасида ҳамкорликни ривожлантирадидилар.

Улар бу соҳада экологик хавфсизликнинг халқро тизимини яратишга интилиб, минтақавий ва глобал миқёсларда келишилган хатти-ҳаракатларга қўмаклашадилар.

14-модда
Олий Ахдлашувчи Томирлар икки мамлакат халқлари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни қўмаклашувчи маданий ҳамкорликнинг муҳимлигини эътироф этиб, маданий алмашувларни олқишлайдилар ва рағбатлантирадидилар. Улар ўз худудларида жойлашган археологик ҳамда тарихий маданий ёдгорликларга бошқа давлатлар ва халқро ташкилотларнинг эътиборини жалб қилиш учун зарур чораларни қўлайдилар.

15-модда
Олий Ахдлашувчи Томирлар спорт ва туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантирадидилар. Улар икки мамлакатнинг тегишли давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, спорт ва туристик уюшмалари, шунингдек ўқув муассасалари ўртасидаги алоқаларни рағбатлантирадидилар. Олий Ахдлашувчи Томирлар биргаликдаги лойиҳалар ва дастурларни

ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда мусобақалар ва бошқа қўшма тадбирларни ўтказишда уларни қўллаб-қувватлайдилар.

16-модда
Олий Ахдлашувчи Томирлар икки давлатнинг оммавий ахборот воситалари ўртасида ҳамкорликни фойдалантиришга келишиб олдилар.

Шу мақсадларда Олий Ахдлашувчи Томирларнинг матбуот, радио ва телевидение органлари ўзларининг ахборот ресурс ҳамда имкониятларини икки давлатнинг ютуқларини ёритиш, уларнинг халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлаш мақсадида фойдаландилар.

17-модда
Олий Ахдлашувчи Томирлар ушбу Шартнома амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон Президентларининг топшириқларига биноан икки давлатнинг ҳукуматлари ҳамда вазирлик ва идоралари раҳбарлари даражасида учрашув ҳамда маслаҳатлашувлар олиб борилишига келишиб олдилар.

18-модда
Ушбу Шартнома Олий Ахдлашувчи Томирларнинг улар иштирок этган бошқа халқро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

Ушбу Шартнома ҳеч қайси бир давлат ёки давлатлар гуруҳи манфаатларига қарши қаратилмаган.

19-модда
Ушбу Шартномани талқин қилиш ёки қўллаш билан боғлиқ ҳар қандай масалалар Олий Ахдлашувчи Томирлар ўртасида масалаҳатлашув ёхуд музокаралар орқали ҳал қилинади.

20-модда
Ушбу Шартнома ратификация қилиниши лозим ва ратификация ёрликлари алмашган кундан бошлаб қўчга қиради.

Бухоро шаҳрида 2004 йил 19 ноябрь (Санжар)да икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, туркман ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил қўчга эга.

Ушбу Шартноманинг қоидаларини талқин қилиш мақсадида рус тилидаги матндан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ

Туркменистон номидан
Туркменистон Президенти
Сапармурод НИЁЗОВ

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида чегарабўйи вилоятлари худудида жойлашган хўжалик объектларида хизмат қилувчи шахслар томонидан ўзбек-туркман чегарасини кесиб ўтишлари тўғрисида БИТИМ

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати, бундан кейин Томирлар деб аталувчилар,
Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1996 йил 16 январда имзоланган Шартноманинг қоидаларига амал қилиб,
давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини такомиллаштириш мақсадида ва чегарабўйи вилоятлари худудида жойлашган хўжалик объектларида хизмат қилувчи шахсларнинг киришлари, чиқишлари ва унда бўлишларининг ҳуқуқий тартибга солинишини таъминлаш зарурлигидан келиб чиқиб,
қуйидагилар тўғрисида ахдлашиб олдилар:

1-модда
Бир Томир давлатининг бошқа Томир давлати худудида жойлашган хўжалик объектлари хизмат кўрсатувчи персонални ходимлари бўлган фуқаролари (бундан кейин хизмат кўрсатиш персонални ходимлари деб аталади) худудида мана шу объектлар жойлашган давлат Томирнинг ваколатли органлари тарафидан давлат чегараси чизигида берилган олдидан расмийлаштирилган рухсатномалар асосида хизмат вазибаларини бажариш учун фуқароларнинг амалдаги миллий паспортлари ўзлари билан мавжуд бўлган ҳолда юборувчи Томирдан дипломатик каналлар орқали олдидан тақдим этилган шахслар рўйхатларига биноан визасиз киридилар, чиқадилар ва унда бўладилар.

Хизмат кўрсатиш персонални ходимлари учун рухсатномаларини расмийлаштиришда қилинган ҳақиқий харажатларни ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган рўйхатга олиш йиғимлари ундирилди. Рухсатнома намунаси, унинг амал қилиш муддати ва уни расмийлаштириш учун ундириладиган йиғим ҳажми бундай рухсатномаларни берувчи Томирдан белгиланади ва бошқа Томир эътиборига дипломатик каналлар орқали етказилади. Юборувчи Томир шахсларининг рўйхатлари бўйича маълумотни ҳар ои тасдиқлайди ёки уларга киритилмаган ҳар қандай ўзгаришлар тўғрисида дипломатик каналлар орқали хабардор қилади.

2-модда
Худудида бошқа Томирнинг хўжалик объектлари жойлашган Томир юборувчи Томир дипломатик каналлар орқали тақдим қилган тегишли маълумотларга қўч хизмат кўрсатиш персонални ходимларининг харажатларини йўналишлари ва келиш жойларини рухсатномалар бўйича аниқлайди.

сатномалар бўйича аниқлайди ва бу тўғрисида бошқа Томирнинг дипломатик каналлар орқали хабардор қилади.

3-модда
Бошқа Томир давлати худудида жойлашган хўжалик объектларида ишлайдиган бир Томир давлати фуқаролари бўлган хизмат кўрсатиш персонални ходимларининг сони объектларнинг нормал ишлаши ва сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган минимал миқдорда белгиланади.

Томирлар мазкур объектларда авария ҳолатларида соғлаш-тиклаш ишларини бажарадиган ва бошқа Томир давлати худудида фуқароларнинг амалдаги миллий паспортлари ўзлари билан мавжуд бўлган ҳолда худудида мана шу объектлар жойлашган давлат Томирнинг ваколатли органлари тарафидан юборувчи Томирдан дипломатик каналлар орқали олдидан тақдим этилган шахслар рўйхатларига биноан давлат чегараси чизигида берилган олдидан расмийлаштирилган рухсатномалар асосида визасиз кириш, чиқиш ва унда бўлиш ҳуқуқига эга бўлган хизмат кўрсатиш персонални ходимларининг резерв миқдорини белгилайдилар.

4-модда
Бошқа Томир давлати худудида жойлашган бир Томирнинг хўжалик объектларига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган автотранспорт, механизмлар ҳамда махсус техника юборувчи Томирдан дипломатик каналлар орқали олдидан тақдим этилган рўйхатларга биноан худудида хўжалик объектлари жойлашган давлат Томирнинг ваколатли органлари тарафидан давлат чегараси чизигида берилган олдидан расмийлаштирилган рухсатномалар асосида бу Томир давлати худудида қиради, чиқади ва

уанда бўлади. Бошқа Томир давлати худудида жойлашган ва бир Томирнинг хўжалик объектларига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган автотранспорт, механизмлар ҳамда махсус техникасиз рухсатномаларни расмийлаштиришда сарф қилинган ҳақиқий харажатларни ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган рўйхатга олиш йиғимлари ундирилди. Рухсатнома намунаси, унинг амал қилиш муддати ва уни расмийлаштириш учун йиғим ҳажмининг рухсатномани берадиган Томир белгилайди ҳамда бошқа Томир эътиборига дипломатик каналлар орқали маълум қилади.

Хўжалик объектларининг ишлаши учун зарур бўлган ва олиб кирилиши ҳамда олиб чиқилиши лозим бўлган юклар, материаллар, ускуналар ва техника тўғрисидаги маълумотларни келишиб олиш мақсадида Томирлар бир-бирларига дипломатик каналлар орқали олдидан тақдим этиладилар. Томирлар келишувга қўч автотранспорт, механизмлар ва махсус техниканинг харажат йўналишини, уни жойлаштириш ерини ҳамда юклар, материаллар ва ускуналар тўғрисидаги жойини белгилайдилар.

5-модда
Томирларнинг ҳар бири тузилмадаги контрактларга мувофиқ пулик асосда ўз давлати худудида бошқа Томир хўжалик объектларининг хавфсизлиги ва бутунлигини таъминлайдилар.

Туркменистон худудида жойлашган Қарши ва Аму-Бухоро каналларининг ишлашини таъминловчи, шунингдек Тўямўйин сув оморининг биргаликдаги мулкдорни ҳисобланувчи хўжалик объектларининг бутунлигини таъминлаш контракти нархи бир йилга 300 (уч юз) миң АҚШ доллари миқдорига белгиланади (ҳар бир объект учун бир

йилга 100 (юз) миң АҚШ долларида).

6-модда
Томирлар ушбу Битим кўчга киргандан сўнг ўттиз кун давомида ушбу Битимнинг амал қилиши дахл қиладиган ҳўжалик объектларининг нусхаларини дипломатик каналлар орқали алмаштирадидилар.

Янги рухсатномалар жорий қилинадиган ёки амалдаги рухсатномаларга ўзгаришлар киритилмаган ҳолларда Томирлар бу тўғрисида бир-бирларини хабардор қилдилар ва янги ёхуд ўзгаририлган рухсатномаларнинг намуналарини уларнинг киритилишида камидда ўттиз кун илгари дипломатик каналлар орқали юборадилар.

7-модда
Томирлар заруратга қўра ушбу Битимни бажариш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш мақсадида маслаҳатлашувлар олиб борадилар.

8-модда
Томирларнинг ўзаро келишувларига қўра ушбу Битимга унинг 10-моддасида назарда тутилган тартибга мувофиқ қўчга қирадиган ва Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ўзгариш ва тўдиритишлар киритилиши мумкин.

9-модда
Ушбу Битим қоидаларини бажариш ёки қўллаш давомида юзага келадиган ҳар қандай масалалар Томирлар ўртасида музокаралар орқали ҳал қилинади.

10-модда
Ушбу Битим имзоланган кундан ўн беш кун ўтган қўчга қиради ва Томирлардан бири бошқа Томирдан ушбу Битим амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисидаги расмий хабарнома олган санадан кейин тўқсон кун ўтуғича амал қилади.

Бухоро шаҳрида 2004 йил 19 ноябрь (Санжар)да икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, туркман ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил қўчга эга. Ушбу Битим қоидаларини талқин қилиш мақсадида рус тилидаги матндан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ

Туркменистон Ҳукумати номидан
Туркменистон Президенти
Сапармурод НИЁЗОВ

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисида БИТИМ

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати, бундан кейин Томирлар деб аталувчилар,
Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1996 йил 16 январда имзоланган Шартноманинг қоидаларига амал қилиб,
иқки давлат ўртасидаги муносабатларни янада чуқурлаштириш ва ўз давлатлари фуқаролари ўртасида алоқаларни ривожлантиришга бўлган интилишини мўқодалаб,
Давлат чегарасини кесиб ўтиш қоидаларини тартибга солиш, Томирлар давлатларининг худудларига фуқароларнинг киришлари, чиқишлари ва унда бўлишларини тартибга солиш мақсадида, иқки давлат фуқароларининг қатновлари шартларини янада такомиллаштириш давлат чегараси режимини мустаҳкамлаш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибни сақлашга хизмат қилади деб ҳисоблаб, қуйидагилар тўғрисида ахдлашиб олдилар:

1-модда
Бир Томир давлатининг фуқаролари 1- ва 2-иловаларда санаб ўтилган амалдаги ҳўжатлари бўйича ва ушбу Битимда назарда тутилган тартибда бошқа Томир давлати худудида киришлари, чиқишлари, транзит ўтишлари ва унда вақтинча бўлишлари мумкин.

Ушбу Битимда тартибга солинмаган масалалар Томирлар давлатларининг миллий қонун ҳўжатлари та мувофиқ ҳал қилинади.

2-модда
Томирлар давлатларининг фуқаролари бошқа Томир давлатининг худудида бўлганларида шу Томир давлатининг қонун ва қоидаларига, жумладан хорижий фуқаролар учун белгиланган рўйхатдан ўтиш, бўлиш ва унда харақатланиш қоидаларига риоя қилишлари лозим.

3-модда
Томирлар давлатларининг фуқаролари давлат чегарасида ўтказиш пунктлари орқали Томирлардан бири давлатининг худуди орқали Томирлар давлатларининг миллий қонун ҳўжатларида назарда тутилган чегара, боғжона ва бошқа процедураларга риоя қилган ҳолда киришлари, чиқишлари ва ундан транзит тарзида ўтишлари мумкин. Утказиш пунктлари рўйхати Томирлар ўртасида дипломатик каналлар орқали келишиблади.

4-модда
Бир Томир давлатининг фуқаролари бошқа Томир давлатининг визасини олиш учун шу Томирнинг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси ёзма мурожаатнома ва тегишли юридик ёки жисмоний шахсининг белгиланган тартибда расмийлаштирилган тақдимномасини тақдим қилдилар. Ушбу Битимда қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно.
